

**“ХАЗОРАСП ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНИНГ
3-СОИ БАЁННОМАСИ**

**Хоразм вилояти, Хазорасп тумани,
Н. Машаринов кўчаси, 2-уй.**

2026 йил “6” февраль

Умумий йиғилишнинг ўтмиш жойи: Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, Н. Машаринов кўчаси, 2-уйда “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 2 918 106

Йиғилишга таклиф этилганлар:

С. Аллаберганов – “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси раиси;

М. Мадаминов – “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси аъзоси;

С. Абдурахманов – “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси аъзоси;

А. Хўжаниёзов – “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси аъзоси;

Э. Худойберганов – “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси аъзоси.

“Хазорасп пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - **Йиғилиш**) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ги Низом, шуниқдек Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ ҳамда Жамият тугатиш комиссиясининг 2026 йил 13 январдаги йиғилиш қарори асосида ўтказилди.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана - 2026 йил 31 январь.

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 2 918 106.

Йиғилиш кворуми бўйича саноқ комиссияси аъзоси А. Хўжаниёзов ахбороти:

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш учун келган акциядорлар ва уларни вакиллари таркиби, ваколати ҳамда овоз бериш бўйича ишонч қоғозлари кўриб чиқилиб, қуйидагилар аниқланди:

Соат 11:50 га қадар жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш учун **1 565 658** дона овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар ва уларнинг вакиллари рўйхатдан ўтди. Бу ўз навбатида, жамият томонидан жами жойлаштирилган оддий акцияларга нисбатан **53,65** фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлиши белгиланганлигини инобатга олиб йиғилиш ўтказишга кворум мавжудлигини айтиб ўтди. Акциядорлар номидан тугатиш комиссияси аъзоси А. Хўжаниёзов сўзга чиқиб, йиғилиш ўтказиш бўйича кворум мавжудлигини, акциядорлар томонидан йиғилиш ўтказиш бўйича розилик бериб билдирган таклифларини инобатга олиб, акциядорлар

томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишни ўтказишга қарор қилинди.

Жамият акциядорлари номидан тугатиш комиссияси аъзоси А.Хўжаниёзов йиғилиш раёсатини ва котибинини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. М. Исқандаров – “Хоразмпахтасаноат” ХБАЖ тугатиш комиссияси раиси (йиғилиш раиси);

2. К. Хусаннова - “Хоразмпахтасаноат” ХБАЖ тугатиш комиссияси аъзоси;

3. О. Бекчанов - “Хоразмпахтасаноат” ХБАЖ тугатиш комиссияси аъзоси;

Йиғилиш раиси этиб “Хоразмпахтасаноат” ХБАЖ тугатиш комиссияси раиси М.Исқандаров ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар мутахассиси А. Хўжаниёзовни йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раиси этиб М.Исқандаров ва йиғилиш котиби этиб А. Хўжаниёзов сайланди.

Йиғилиш раиси М.Исқандаров сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кун тартибидаги қуйидаги 3 та масалани ўқиб эшиттирди.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.

2. Жамият тугатиш комиссиясининг ҳисоботини эшитиш тўғрисида.

3. Жамиятнинг узок муддатдан буён сотилмаган улушлари ва акцияларини “Хоразмпахтасаноат худудий бирлашмаси” АЖга ўтказиш масаласи.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилиш раиси М. Исқандаров сўз навбатини йиғилиш раёсати аъзоси К.Хусанновага берди.

К.Хусаннова сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 3 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига 10 (ўн) дақиқадан, муҳокама учун 20 (йигирма) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият тугатиш комиссияси томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини таъкидлади.

Шунга асосан, жамият тугатиш комиссиясининг 2026 йил 13 январдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – Азамат Хўжаниёзов Султонбоевич, бош ҳисобчи Мадаминов Махсудбек Қўчқорович ҳамда материал ва иш ҳақи бўлими ҳисобчиси – Санжар Абдурахманов Собиржанович номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан йиғилиш регламенти ва санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаб беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ўқлаганлар” – 1 565 658 та овоз билан (100 %);

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

2. Уч кишидан иборат куйидаги таркибда саноқ комиссияси тасдиқлансин:

- 1) А. Хўжаниёзов;
- 2) М. Мадаминнов;
- 3) С. Абдурахманов.

Кун тартибдаги иккинчи масала бўйича йиғилиш раиси М. Искандаров сўзни “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссияси раиси С. Аллабергановга берди.

С.Аллаберганов сўзга чиқиб, “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг 2025 йил 15-августда ўтказилган умумий йиғилишида “Хазорасп пахта тозалаш” АЖни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлигини ва беш ойдан буён тугатиш ишлари амалга оширилмаётганлигини маълум қилди ва тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилган ишлар бўйича тайёрланган ҳисобот билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Муҳокомадан сўнг, Йиғилиш раиси М.Искандаров жамият акциядорларидан тугатиш комиссияси раиси С. Аллабергановнинг ҳисоботи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз бериш йўли билан билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 565 658 та овоз билан(100 %);

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Кун тартибдаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият Тугатиш комиссиясининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

Кун тартибдаги учинчи масала бўйича йиғилиш раиси М. Искандаров сўзга чиқиб, “Хазорасп пахта тозалаш” АЖни тугатиш ишлари кетаётганлигини қайд этиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзпахтасаноат” АЖни ва “Пахтасаноат” ҲАБларни, жумладан “Хоразмпактасаноат” ҲБАЖни тугатиш ишлари амалга оширилмоқда.

“Ўзпахтасаноат” АЖнинг “Хоразмпактасаноат” ҲБАЖ устав капиталидаги улуши 65,52 фоизни, ўз навбатида “Хоразмпактасаноат” ҲБАЖнинг “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ устав капиталидаги улуши 53,65 фоизни ташкил этмоқда. “Хазорасп пахта тозалаш” АЖни тугатиш жараёнининг чўзилиши, ўз навбатида “Хоразмпактасаноат” ҲБАЖ ва “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 38-бандига мувофиқ тижорат ташкилотини ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати рўйхатдан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган кундан бошлаб олти ойдан ошмаслиги кераклиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 99 ва 100-моддаларига мувофиқ жамиятнинг узоқ муддатдан буён сотилмаган улушлари, акциялари ва ундирилмаган дебитор қарзларини акциядорларга, шу жумладан “Хоразмпактасаноат худудий бирлашмаси” АЖга ўтказиш бўйича таклиф қилинади.

Куйидаги, аукцион савдоларида сотилмай қолган “Agrobank” АТБнинг номинал қиймати 1168 сўм бўлган жами 27 030 дона 31 571 040 сўмлик оддий акциялари ва “Baraka пахта teks” МChJ устав фондидаги номинал қиймати 9 868 686 711 сўм бўлган 3,59 фоиз улуши акциядорларга таклиф қилинди. Лекин, акциядорлар томонидан рад жавоби берилди.

“Хазорасп пахта тозалаш” АЖни тугатишни жадаллаштириш ва яқунлаш мақсадида жамиятнинг юқорида номи баён этилган активларни “Хоразмпахтасаноат” ХБАЖга ўзаро ҳисоб-китоблар (акциядорлар ўртасида яқуний тақсимот ва бошқа ўзаро ҳисоб-китоблар) орқали ўтказиш таклиф қилинди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси М.Искандаров жамият акциядорларидан кун тартибидаги ушбу масалани тасдиқлашга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 565 658 та овоз билан (100 %);

“Қаршиллар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишни қарор қилади:

1. “Хазорасп пахта тозалаш” АЖни тугатишни жадаллаштириш ва яқунлаш мақсадида жамиятнинг узоқ муддатдан буён сотилмаган қуйидаги активлар баланси қийматида, “Agrobank” АТБнинг номинал қиймати 1168 сўм бўлган жами 27 030 дона 31 571 040 сўмлик оддий акциялари ва “Вақоқа пахта текс” МСҲЈ устав фондидаги номинал қиймати 9 868 686 711 сўм бўлган 3,59 фоиз улуши жамиятнинг йирик акциядори бўлган “Хоразмпахтасаноат” ХБАЖга ўзаро ҳисоб-китоблар (акциядорлар ўртасида яқуний тақсимот ва бошқа ўзаро ҳисоб-китоблар) орқали ўтказилсин.

2. “Хоразмпахтасаноат” ХБАЖ ҳисобига ўтказилаётган акция ва улушлардан келиб чиқадиган солиқ тўловлари жамият ҳисобидан қоплансин.

Акциядорларнинг умумий йиғилишни томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилиш раиси М.Искандаров йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:



М.Искандаров

Йиғилиш котиби:



А.Хўжаниёзов

Йиғилиш баённомаси 2026 йил “6” февраль куни икки нусхада тузилди.